



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil « 16 » fevral

№ 72

Toshkent sh.

### **Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ–31-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПФ–29-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

**а) Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ажратиладиган маблағлар;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

**б) Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган асосий йўналишлар ҳисобланади:**

ҳоким ёрдамчилари иш ҳақининг аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилиш;

бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари учун турар жой ижараси харажатлари учун компенсация тўлаш;

иш фаолиятида яхши натижаларга эришган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакилларини ҳар ойда мукофотлаш;

ўз шахсий автомобилидан фойдаланаётган республика вакилларининг транспорт харажатларини компенсация қилиш;

республика вакилларининг бир ойда бир марта доимий яшаш жойига темир йўл транспортида бориб келиши учун компенсация тўлаш;

йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган республика вакиллари ва ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун субсидия тўлаш;

“Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар;

ҳоким ёрдамчилари, республика вакиллари ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга жалб қилинган бошқа шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этишга компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш;

эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш, эксперт гуруҳи таркибига киритилган мутахассисларга ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ва Жамғарма кузатув кенгашининг тегишли қарорларида белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

### 3. Қуйидагилар:

**Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кузатув кенгашининг (кейинги ўринда – Кузатув кенгаши) таркиби 1-иловага мувофиқ;**

**Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги** низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда шакллантирилади, Жамғарма учун Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварағи очилади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Жамғарманинг ижрочи органи ҳисобланади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “16” феврал даги 72-сон қарорига  
1-илова

**Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси  
кузатув кенгашининг  
ТАРКИБИ**

1. Ж.А. Қўчқоров – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири,  
*Кузатув кенгаши раиси*
2. С.М. Холхўжаев – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари,  
*Кузатув кенгаши раиси ўринбосари*
3. Ж.И. Аbruев – молия вазирининг ўринбосари
4. Ш.Х. Атабаев – АТ Халқ банки бошқаруви раиси
5. М.М.Убайдуллаев – Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори
6. И.И.Хусеинов – Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бошқармаси бошлиғи, *Кузатув кенгаши масъул котиби*

**Изоҳ.** *Кузатув кенгаши аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “16” феврал даги 72-сон қарорига  
2-илова

## Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва ушбу маблағлардан фойдаланиши тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда шакллантирилади, Жамғарма учун Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварағи очилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Кузатув кенгаши** – Жамғарма фаолиятини бошқарадиган Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кузатув кенгаши;

**республика вакили** – ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида иқтисодиёт ва инвестиция комплексларига кирувчи вазирликлар, идоралар, тижорат банкларининг ҳар бир туман ва шаҳарга бириктирилган масъул ходимлари;

**ҳоким ёрдамчиси** – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс;

**компенсация** – бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчиларига ва республика вакилларига турар жой ижараси, аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган тақдирда етишмаган қисми, ўз шахсий автомобилидан фойдаланаётган республика вакилларининг транспорт харажатлари, шунингдек, бир ойда бир марта доимий яшаш жойига темир йўл транспортида бориб келиши учун Жамғарма ҳисобидан қоплаб бериладиган тўлов;

**субсидия** – ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган республика вакилларига ва ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун Жамғарма ҳисобидан қоплаб бериладиган тўлов.

4. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Жамғарма Кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида фаолият юритади.

## **2-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш**

5. Жамғарма фаолияти Кузатув кенгаши томонидан бошқарилади. Кузатув кенгашининг аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

6. Кузатув кенгаши:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

ҳар йили Жамғарма даромадлари ва харажатлари балансининг прогноз кўрсаткичларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Жамғарма даромадларининг шаклланишини ва маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш бўйича унинг фаолиятини юзасидан назорат қилади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини, зарур ҳолларда, тасдиқланган сметаларга киритиладиган тегишли ўзгартиришларни тасдиқлайди;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7. Кузатув кенгаши Жамғармага юкланган вазифаларнинг ижросини ташкил қилиш, тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш ва зарур тавсиялар тайёрланишини таъминлаш мақсадида давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқаролардан иборат таркибда эксперт гуруҳи ташкил қилиши мумкин.

8. Кузатув кенгаши мажлислари заруратга кўра ўтказилади.

9. Кузатув кенгаши мажлисини кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса – кенгаш раисининг ўринбосари бошқаради.

10. Кузатув кенгаши мажлиси унда Кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Кузатув кенгашининг қарори кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Овозлар тенг бўлганда, Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11. Кузатув кенгаши қарорлари Кузатув кенгаши мажлисининг баённомалари билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Жамғарманинг ижрочи органи ҳисобланади.

13. Агентлик:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун Жамғарма Кузатув кенгашига тақдим этади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботларни Кузатув кенгашига тақдим этади;

Жамғармадан маблағ ажратишга оид муурожаатларни умумлаштиради ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлайди;

Кузатув кенгаши қарорлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши, шунингдек, бошқа ҳуқуқларга ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

Жамғарма учун Ўзбекистон Республикаси Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварағини очади ва юритади, белгиланган тартибда ушбу ҳисобварақ бўйича тегишли операцияларни амалга оширади;

Жамғарманинг харажатларини амалга оширади, даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади, шунингдек, улар бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни шакллантиради;

Жамғармага ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таҳлил қилади ва мониторинг олиб боради;

Кузатув кенгаши розилиги билан бўш маблағларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида миллий валютада депозитларга жойлаштиради.

15. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлигига тақдим этилади.

### **3-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

16. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ажратиладиган маблағлар;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Жамғармага унинг даромадлари бўйича тушадиган маблағлар Молия вазирлиги Ғазначилигининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

18. Жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлиги Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади.

### **4-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган асосий йўналишлар**

19. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

ҳоким ёрдамчилари иш ҳақининг аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилиш;

бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари учун турар жой ижараси харажатлари учун компенсация тўлаш;

иш фаолиятида яхши натижаларга эришган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакилларини ҳар ойда мукофотлаш;

ўз шахсий автомобилидан фойдаланаётган республика вакилларининг транспорт харажатларини компенсация қилиш;

республика вакилларининг бир ойда бир марта доимий яшаш жойига темир йўл транспортида бориб келиши учун компенсация тўлаш;

йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган республика вакилларига ва ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун субсидия тўлаш;

“Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар;



ҳоким ёрдамчилари, республика вакиллари ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга жалб қилинган бошқа шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этишга компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш;

эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш, эксперт гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар учун ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ва Жамғарма Кузатув кенгашининг тегишли қарорларида белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

20. Кузатув кенгашининг қарори асосида республика вакилларининг доимий яшаш жойига (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари) темир йўл транспортдан бошқа транспорт воситаларидан (самолёт ва шаҳарлараро автобус) фойдаланган ҳолда бориб келиши учун Жамғарма ҳисобидан компенсация тўланиши мумкин.

21. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

22. Жамғарма харажатлари Агентликнинг сўровномалари асосида молиялаштирилади.

23. Агентлик Жамғармага ажратилган маблағлардан фойдаланилиши ва кейинги ҳисобот даврида кутилаётган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни Кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилишига кўриб чиқиш учун киритади.

24. Жамғармадан маблағлар тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан ажратилади.

25. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб кўйилмайди ва улардан кейинги даврда фойдаланилади.

#### **5-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатларни молиялаштириш миқдори**

26. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар қуйидаги миқдорда молиялаштирилади:

а) ҳоким ёрдамчилари иш ҳақининг аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилиш харажатлари ҳар ой якуни билан амалга оширилади.

Бунда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибига асосан ҳисоблаб чиқилади. Ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқни компенсация қилиш механизми Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади;

б) бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида** турар жой ижараси харажатлари учун компенсация тўланади. Уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади;

в) ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш ва баҳолаб бориш имконини берувчи “Онлайн маҳалла” электрон платформасига қараб қуйидаги миқдорларда ойлик мукофот пули тўланади:

қониқарли деб топилганда – ойлик иш ҳақининг **15 фоизи** миқдорида;

яхши деб топилганда – ойлик иш ҳақининг **30 фоизи** миқдорида;

аъло деб топилганда – ойлик иш ҳақининг **50 фоизи** миқдорида;

г) Агентлик томонидан иш фаолиятида яхши натижага эришган республика вакилларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 бараваригача миқдорда ойлик мукофот пули тўлаб берилади. Республика вакилларига мукофот пули тўлаш бўйича таклифлар уларнинг меҳнат фаолияти натижадорлигига қараб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ–31-сон қарори билан ташкил этилган Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича республика комиссияси томонидан киритилади;

д) республика вакилларининг ўз шахсий автомобилдан фойдаланаётганлиги учун ҳар чоракда бир марта ҳар ой учун бензинда ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари учун 2 150 минг сўмгача, табиий газда ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари учун 1 350 минг сўмгача компенсация тўловлари амалга оширилади.

Бунда республика вакиллари томонидан ҳисобот чораги давомида 3 500 километр масофа тўлиқ босиб ўтилганда, компенсация тўловлари юқорида кўрсатилган миқдорларда тўлиқ берилади. Агарда ҳисобот даврида автотранспорт воситасида йўл босиш миқдори 3500 километрдан кам бўлган тақдирда, компенсация миқдори босилган масофага мутаносиб миқдорда тўланади.

Республика вакилларининг ўз шахсий автомобилдан фойдаланилганлиги учун компенсация тўловларини амалга ошириш механизми Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади;

е) республика вакилларининг бир ойда бир маротаба доимий яшаш жойига темир йўл транспортида (ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳолатларда) бориб келиши учун компенсация харажатлари транспорт воситаларида ҳаракатланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (чипта) тақдим қилинган тақдирда, “эконом” тарифи бўйича харажатларнинг 100 фоизи, “бизнес” тарифи бўйича харажатларнинг 70 фоизи (самолётда учиш бундан мустасно) тўлаб берилади.

Компенсация тўловлари ҳар чоракда бир марта ҳисобот давридан олдинги чорак учун амалга оширилади;

ё) йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган республика вакилларига ва ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун уй-жой қийматининг 50 фоизигача (бирок 150 миллион сўмдан ошмаган миқдорда) субсидия тўлаш харажатлари амалга оширилади.

Ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун субсидия ажратиш тартиби Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади;

ж) “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади;

з) заруратга кўра эксперт гуруҳи таркибига киритилган мутахассисларга ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Республика вакилларига ушбу бандда назарда тутилган тўловлардан ташқари асосий иш жойи бўйича иш берувчилар томонидан харажатларини қоплаш учун қўшимча тўловлар ва рағбатлантириш амалга оширилиши мумкин.

## **6-боб. Яқунловчи қондалар**

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

